

## КОЗОК КАРИНДОШЛАРИМИЗГА ОЧИК ХАТ

Азиз кариндошларим! Муслмон биродарлар! Хаммангизга маълумдурки, Туркистон, демак — туркий эл бўлиб, мундаги халкнинг козоги, киргизи, сарти, ўзбеги, туркмени, татарни — хаммаси аслан... жахонгир... Темурнинг авлоди ёки ога-инисидурлар. Туркистондаги араб, хўжа ва сайидлар-да ўз тилларини йўқотиб, балки бил-кулли турклашиб ва хатто, арабликларини эсларидан чикориб... хар жихатдан бирлашиб кетгандурлар. Туркистоннинг энг оз шахарларида ва баъзи тоғларида бир оз форс, яъни тожиклар борки, алар хам камолан муслмон ва сиз ила хаммазхабдурлар. Тирикчиликларининг ўзбеклардан фарки йўк даражададур.

Боурлар! Билингки, хозирда Туркистондаги барча халклар учун мухторият эълон килинди ва сиз билингки, хак олинур, берилмас. Инчунин, мухторият-да олинур, берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, гайрат ила олурлар. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг кўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлик килсак ва Туркистондаги халклар бирлашиб, мухторият йўлига саъй килмасак, албатта, хозирги когоз устидаги мухториятимизни хам йўк килурлар, бул албатта, шундайдур ва бул сўзга хеч ким ихтилоф килолмайдур.

Энди ишлар шу холда экан, биз хаммамиз, яъни киргиз, козок, ўзбек, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Козогистондаги ва Туркменистондаги барча муслмонлар ва хам мундаги яхудий ва христианлар бирлашиб, иттифок ила шу мухториятнинг амалга келишига саъй ва эхтимом этмогимиз лозимдур. Агарда бизга ўз бошимизга, шариат, урф ва одатимизга мувофик тирикчилик килмок керак бўлса, хаммамиз вақтли низоъ ва "манман"ликни кўйиб, хамма нарсани эсимиздан чикориб, ёлгуз "мухторият" учун хар нимарсамизни фидо этмогимиз лозимдур. Мундай фурсат ва замоннинг бизга кайтиб келиши маълум йўк, каддини билиб ишламок керакдур. Вақт ўтгандан сўнгра ўкинмок фойда этмас.

Шуни-да билингки, козок ўз бошига, шахар халки ва атрофи ўз бошига ойрилиб, бошка-бошка мухторият килмокчи бўлганда, иккиси хам муддаога етмайдур. Сиз, козок кариндошларимиз, оре, чўлдасиз, аммо сиздан бир кўп, халклар хам шахарларда ва шахарлар теварагиндадур. Тирикчилик шундай нимарсаки, чўл ила шахар ва кишлок халкини бир-бирига боғлагандир. Бир-биридан ажралиб яшаёлмайдур. Шахар халки ила бирлашиб мухториятни бошқарганда сизларга зарар келмай, балки фойда келур.

Мухториятни бошкармок учун ёлгуз сиз-да кифоят этмаганингиз каби, ёлгуз шахар ва атрофидаги халойик хам кифоят эмас, балки иккинги-да кераксиз. Шунда билингки, сизлар тургун халк ила бирлашиб мухторият килган ила сиз ила тургун халк учун биргина навъ конун бўлмай, балки сизнинг тирикчилик ва одатингизга мувофик алохида сиз учун нафълик конунлар ёзилур. Шариат хам кўчма ва чўл мусулмонларининг урф ва одатларига кенглик бергондир. Сиз ўйламангки, тургун халки ва ё шариати бизни кисадур. Йўк, билъакс, сизга кераклик одатларингизни сизга колдириб, сиз учун сизнинг зиёли вакилларингиз конунлар тузайдурлар. Тог ва шахар халклари учун-да, бошка-бошка конунлар тузалур.

Хатто, Туркистондаги баъзи уезд ва шахарлар учун алохида конунлар тузалур. На учунки, хамманинг тирикчилиги бир эмасдур. Яхудий ва христианлар учун-да, бошка конунлар туза олур. Хар бир халкнинг одат ва мазхабига риоя килинур. Хулоса: мухториятни миллат мажлиси хар бир халкнинг нафъини кўзда тутуб; конун чикарар. Агарда сиз, козок биродарлар, тургун халкдан ажралиб, ўзга мухторият килурмиз десангиз, мундан сиз-да ва тургун халк-да зарар кўрар ва эхтимолки, иккинги-да мухториятдан насиб бўлмас, азбаски куч таралур.

Бобокалонларимизнинг машхур насихати бор, у ўз ўгулларига килиб эдики, бирлашингиз. Масалан бир даста таёкни бирга боғласангиз, кимса синдирилмас. Агарда ажратсангиз, бирин-бирин хар ким синдурар. Мана, бобонгизнинг буйруги.

Чирогларим! Бошка халklar, масалан, серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошкалар, хатто, дунёнинг у бир учидаги кариндошлари ила бирлашур эканлар, бошка катта ва кувватли давлатларга тобеъ бўлуб, ютилуб, хатто, тилини йўкотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмокга жон ва кучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимиздаги кариндошларимиздан айрилсак, уятдур, ахмокликдур. Турк томурига болта урмокликдур.

Онгли козоклар ўйласинлар, тарихга карасинлар, зиёли козоклар, Оврупонинг ихтилоф солиб, миллатларни ажратмок сиёсатига ва икки юзлигига карасунлар эди. Бирлашгон Туркистон халкининг бўлунмокига ўзимиз сабаб бўлмасак эди. Барча ихтилофчилар ва бошкалар-да, албатта, зарар кўрарлар ва алар ила баробар татарлар-да, биз-да, мундан зарар кўрурмиз ва ихтилофимизнинг жазосини тортармиз. У кунларимиза йиглармиз, ammo фойда этмас.

Чирогларим, бирлашайлик! Кўрасиз, бу кунги руслар-да бирлашмоқдадурлар. Энди бирлашмоқ замонидир. Агарда сиз айрилсангиз, туркман кариндошлар-да айрилса, Туркистон турклари уч ерга бўлиниб кетар ва барчага мухториятдан насиба чикмай колур. Еттисувдаги мусулмон кариндошларга хам айтатургон сўзим шулдур.

Ондаги христианларга келгунча, алар билсунларки, Еттисувда кўп бўлсалар-да, бутун тевааракларини мусулмонлар айлантириб олгон ва аларнинг-да бизнинг мухториятга кўшилмоқлари, албатта, ўзлари учун лозим бўлгонидек, Туркистоннинг бошка жойларидаги руслар учун-да фойдалиқдур. Чунончи, алар кўшилса, миллат мажлисинда рус аъзолари кўпайур. Бизнинг мухториятимиз жорий бўлгондан сўнгра, Еттисув русларининг кўшулмасликлари асло мумкин эмасдур.

Ёлгуз сиз ила биз эмас, бутун Русия мусулмонларининг бирлашмоқлари шаръан ва аклан фарздур.

"Оллохнинг ипига бирлашингиз ва таркалиб кетмангиз" Тангрининг сўзидур. Бошка газеталарнинг кўчирмаклари-да ражо ўлинур.

*Самарканд, "Хуррият" газетаси, 1918 йил, 26 январ.*